

БОТИРОВ Бобурмирзо,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
таянч докторанти

“АЛ-ХИДОЯ” АСАРИДА МОЛИЯВИЙ ИБОДАТЛАРДАГИ МАЖБУРИЯТЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИХАТЛАРИ

ОСОБЫЕ АСПЕКТЫ ОБЯЗАТЕЛЬСТВ В ФИНАНСОВЫХ МОЛИТВАХ В “АЛЬ-ХИДАЯ”

SPECIFIC ASPECTS OF OBLIGATIONS IN FINANCIAL PRAYERS IN “AL-HIDAYA”

Аннотация. Мазкур мақолада Ислом ҳуқуқи нормалари инсонларга ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаган ҳолда уларнинг зиммасига муайян мажбуриятларни ҳам юклаганлиги, бу билан инсон оиласи, ўзи яшаб турган жамият ва ҳукумат олдида маълум бурчларни бажариши белгиланганлиги қайд этилган. Ислом шариатида белгиланган мажбуриятлар ўзининг манбаси ва ҳуқуқий оқибатига кўра бир неча категориялардан ташкил топганлиги изоҳланган. Шунингдек, Бурҳониддин Марғинонийнинг “Ал-Ҳидоя” асарида молиявий ибодатлардаги мажбуриятларнинг ўзига хос жиҳатлари аниқ далиллар таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: мажбурият, “Ал-Ҳидоя”, фарз, вожиб, *бидъат*, мустакраҳ, Молиявий ибодатлар, закот, хаж, ушр.

Аннотация. В данной статье отмечается, что нормы исламского права, гарантируя людям их права и свободы, налагают на них определенные обязанности, и определяется, что человек должен выполнять определенные обязанности перед своей семьей, обществом, в котором он живет, и правительство. Поясняется, что обязательства, определенные в исламском шариате, делятся на несколько категорий в зависимости от их источника и правовых последствий. Также в труде Бурхониддина Маргинани “Аль-Хидайя” анализируются специфические аспекты обязательств в финансовых молитвах.

Ключевые слова: обязательство, “Аль-Хидайя”, фард, ваджиб, нововведение, мустакра, финансовые молитвы, закят, хадж, ушр.

Annotation. In this article, it is noted that the norms of Islamic law, while guaranteeing people their rights and freedoms, impose certain obligations on them, and it is determined that a person must fulfill certain duties before his family, the society in which he lives, and the government. It is explained that the obligations defined in the Islamic Shari'a are divided into several categories according to their source and legal consequences. Also, in Burhoniddin Marginani's work “Al-Hidaya” the specific aspects of obligations in financial prayers are analyzed.

Keywords: obligation, “Al-Hidaya”, fard, wajib, innovation, mustakrah, financial prayers, zakat, hajj, ushr.

КИРИШ

Инсонлар шахсий ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиш билан бир қаторда жамият ва давлат олдидаги маълум бурч ва мажбурларни бажаришлари ҳам белгиланган. Ушбу бурч ва мажбуриятлар бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ҳамда ижтимоий адолатни таъминлаш учун хизмат қилади. демак инсонлар ўзларини ҳуқуқларидан фойдаланиш билан бирга бошқаларнинг эркинликларига зарар етказмасликлари лозим бўлади.

Ислом ҳуқуқи нормалари ҳам инсонларга ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаган ҳолда уларнинг зиммасига муайян мажбуриятларни ҳам юклаган. Бу билан инсон оиласи, ўзи яшаб турган жамият ва ҳукумат олдида маълум бурчларни бажариши белгиланган.

АСОСИЙ ҚИСМ

Ислом шариатида белгиланган мажбуриятлар ўзининг манбаси ва ҳуқуқий оқибатига кўра қуйидаги категориялардан иборат бўлади:

Фарз – қатъий далиллар билан собит бўлган амаллар. (Масалан, Исломнинг беш аркони каби). Фарз иккига бўлинади: фарзи кифоя ва фарзи айн. Фарзи айн деб ҳар бир киши ўзи қилиши лозим бўлган фарз амалларга айтилади. Масалан, таҳорат, намоз каби. Фарзи кифоя – жамоатдан бир неча киши бажарса бошқалардан соқит бўладиган, агар ҳеч ким қилмаса, ҳамма гуноҳкор бўладиган фарз амаллар. Масалан, жаноза намози, Қуръонни тўлиқ ёд олиш каби;

Вожиб – фарз каби бажариш қатъий талаб қилинган, лекин далиллар фарзникидан

кучсизроқ бўлган амаллар. Масалан, фитр садақаси ва қурбонлик каби;

Суннат – Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ва ҳулафои рошидин (Абу Бакр, Умар, Усмон ва Али розияллоҳу анҳум) ларнинг тутган йўлидир;

Нафл – қилса савоб, қилмаса гуноҳ бўлмаган амаллардир. Масалан, нафл намозлар каби;

Мустаҳаб – Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг гоҳида қилиб, гоҳида тарк қилган ва салафи солиҳлар хуш кўрган амаллари. Уни “мандуб”, “адаб” ёки “фазилят” деб ҳам атайдилар;

Мубоҳ – қилинса ҳам, қилинмаса ҳам дуруст бўлаверади. Қилиш-қилмаслик банданинг ихтиёридадир;

Макруҳ – қатъий бўлмаган далиллар билан ундан тийилиш талаб қилинган амал. Макруҳ амал иккига: макруҳи таҳримий (ҳаромга яқин) ва макруҳи танзиҳий (ҳалолга яқин)га бўлинади. Макруҳи таҳримий – ҳаромга яқин макруҳ бўлиб, шариатимизда бундай ишларни қилмаслик жазм ила талаб қилинган. Шу сабаб, уни қилмаслик билан савобга, қилиш билан эса гуноҳга эга бўлинади. Масалан, Ҳайит кунлари рўза тутиш, эркакларга тилла ва ипак кийим кийиш каби. Макруҳи танзиҳий – суннатни тарк қилишдан келиб чиқади. Суннат қанчалик таъкидланган бўлса, уни тарк қилиш шунча ҳаромга яқин бўлиб боради. Баъзи манбаларда “мустақраҳ” атамаси ҳам учрайди, у одобни тарк қилишдан келиб чиқади ва макруҳдан пастроқ даражада туради;

Ҳаром – тарк қилиш қатъий талаб қилинган амал. Ҳаромни тарк қилган савоб олади, амалга оширган гуноҳкор бўлади. Масалан, ноҳақ одам ўлдириш, одамзотга ва ҳайвонотга зулм қилиш, ғийбат қилиш каби;

“Бидъат” сўзи луғатда “ўхшаши бўлмаган янги нарсани пайдо қилиш, диний ақидаларга киритилган ўринсиз ислоҳ”, деган маънони билдиради. “Бидъат – Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг даврларида бўлмаган нарсани амалга оширишдир”. Демак, бидъат динда янги пайдо бўлган амаллар саналади. Бидъатнинг вожиб, ҳаром, мандуб, мубоҳ ва макруҳ каби турлари мавжуд.

Ушбу категориялар асосида содир этилган хатти-ҳаракатларнинг ҳуқуқий оқибати

баҳоланиб, унга гуноҳ ёки савоб берилиши ислом ҳуқуқи манбаларида белгиланган. Фарз, вожиб ва ҳаром категориялари қатъий даражадаги мажбуриятлар, суннат, мустаҳаб ва макруҳ категориялари қатъий бўлмаган мажбуриятлар ҳамда мубоҳ категорияси эса инсон ихтиёрига ҳавола этилган амалга киритилган. Шунингдек, ислом шариатида бажарилиши қатъий талаб этилган мажбуриятлар асосан ҳалол ва ҳаром категориясидан келиб чиқади.

Ислом ҳуқуқ манбаларидаги ижтимоий аҳамиятга эга мажбуриятлардан энг каттаси бу – молиявий мажбуриятлар ҳисобланиб, бундай мажбуриятлар молиявий ибодатлар номи билан ҳаж ва закот мавзуларига киритилган. Молиявий ибодатлар ҳаж, закот, ушр, хирож, садақа, каффоратлар каби турларга бўлинади.

Бурҳониддин Марғиновий “ал-Ҳидоя” асарида мажбурият масалаларга кенг ўрин ажратиб, уларнинг келиб чиқиш манбалари, мазмуни ва ижтимоий-иқтисодий ва диний аҳамиятини очиб берган.

Молиявий ибодатлардан бири закот (нисобга етган молидан маълум қисмини маълум шахсларга мулк қилиб бериш) бўлиб, “ал-Ҳидоя” асарининг ибодат қисмида алоҳида “Закот бўлим”ида очиб берилган. Юқорида закот олувчи шахслар ва унинг ижтимоий аҳамияти ҳақида тўхталиб ўтилган эди. Мазкур бобда эса закот ибодатини адо этишдаги мажбуриятлар ҳақида сўз боради.

Закот бериш ҳур, оқил, балоғатга етган ва нисобга етган моли бор мусулмон кишига фарз қилинган мажбурият саналади. Унинг муддати ҳар йили алоҳида ҳисобланади. Яъни нисобга етган мол-мулк тўлиқ бир йил ўтса, ундан закот бериш лозим бўлади [1:95].

Шунингдек, сабий (бола), мажнун, мукотаб қулнинг зиммасида закот бериш мажбурияти юклатилмаган.

Закот берилиши белгиланган мол-мулкларга алоҳида шартлар ҳам белгиланган бўлиб, киши яшаш жойлари (уйлар), киядиган кийими, уй анжомлари, миниб юрадиган ҳайвонлари, хизмат учун ажратилган қуллар ва ишлатиладиган қурул-аслаҳалардан закот бермайди [1:96]. Йўқолган ва топилишидан умид узилган молдан ҳам закот берилмайди.

Закотни адо қилишда ёки закот миқдорини ажратиш вақтида “закот деб” қилинган

ният билангина закот бериш зиммасидан соқит бўлади. акс ҳолда мажбурият тўлиқ бажарилмаган ҳисобланади. Аммо бир киши закот беришни ният қилмаган ҳолатда бутун мол-мулкини садақа қилиб юборди. Унинг ичида закот берилиши лозим бўлган қисм ҳам бор эди. Улар истехсонига кўра у кишидан фарз бўлган закот мажбурияти соқит бўлади.

Ислом ҳуқуқида закот берилиши лозим бўлган мол-мулк ва унинг миқдори алоҳида белгилаб берилган. Марғиновий “ал-Ҳидоя”нинг кейинги ўринларида ҳайвонлар, мол-мулк, мева, дарахт, ҳосилдан олинадиган закотлар ҳақида тўхталиб ўтган.

Ҳайвонлардан туя, қорамол, қўй ва эчкилар ҳамда отлардан закот олиниши белгиланган. Ҳайвонлардан олинадиган закотни белгилашда умумий шарт қилиб йилнинг аксар (кўп) қисмида ўтлоқ (яйлов)да боқилган бўлиши белгиланган. Аммо ҳайвонлар турига қараб миқдори ва сони бир-биридан фаркланади. Жумладан, туялардан олинадиган закот миқдори 5 та туядан бир ёшга тўлган қўй закот сифатида берилиши белгиланган. Туялар сони ундан кам бўлса, закот берилмайди [1:97].

Туялар сони ўн тага етса, ҳар йили иккита қўй закоти учун бериш фарз бўлади. 15 тадан 19 тага туяси бор киши 3 та қўйни закот сифатида беради. 20 тадан 24 тагача етса, 4 та қўй берилади. Шу тарзда туялар сони кўпайгани сари закот миқдори ҳам ортиб боради. 35 тагача етса бир ёшли туя, 45 тагача етса икки ёшли туя, 60 тагача етса уч ёшли туя, 75 тагача етса тўрт ёшли туя, 90 тагача етса икки ёшли туядан 2 та, 120 тагача етса уч ёшли туядан 2 та бериш лозим бўлади. агар туялар сони 150 тадан ошса, яна дастлабки миқдорга қайтиб, 5 та туядан 1 та қўй закот сифатида берилади. Ҳамда шу тартиб ҳисобланади.

Қорамоллардан олинадиган энг кам закот миқдори эса 30 тадан бошланиши белгиланган. Унда 30 та қорамолдан бир ёшли 1 та бузоқ закот сифатида берилади. Уларнинг сони 40 тага етса икки ёшли қорамол закот сифатида берилади. Қорамоллар сони ортгани сари закот миқдори ҳам кўтариб бориш тарзида белгиланган. Жумладан, агар қорамоллар сони 60 тагача етса, 2 та бир ёшли бузоқ, 70 тагача етса, 1 та икки ёшли ғунажин ва 1 та бир ёшли бузоқ, 80 тагача етса, 2 та икки ёшли ғунажин,

90 тагача етса, 3 та бир ёшли бузоқ, 100 тагача етса, 2 та бир ёшли бузоқ ва 1 та икки ёшли ғунажин закот сифатида берилиши белгиланган. Агар қорамоллар сони 100 тадан ошса, дастлаб ҳисобга кўра миқдори чиқарилади.

Шунингдек, Жанубий-Шарқий Осиё, Африка, Шарқий Европа каби мамлакатларда боқиладиган қўтос (буйвол ёки жомус) деб номланган ҳайвонлардан худди қорамоллар миқдорида закот берилиши фикҳий манбаларда келтириб ўтилган [1:98].

Чорва қўй ва эчкилардан закот олинадиган энг кам миқдор қирқта этиб белгиланган. Яъни 40 тадан то 120 тагача бўлган қўй ва эчкилардан 1 та қўй закот сифатида берилади. 121 тадан 200 тагача 2 та қўй закот сифатида берилади. 201 тадан 399 тагача 3 та қўй, 400 тадан 4 та қўй закот сифатида ажратилади. Бундан ошган чорва қўйларининг ҳар 100 тасидан 1 та қўй закот сифатида ҳар йили берилиши белгиланган [1:99].

Отлардан олинадиган закот миқдори ҳар бир отдан бир динор этиб белгиланган. Агар ҳохласа, отларнинг умумий нарҳини белгилаб, ҳар икки юз дирҳамдан 5 дирҳамини закот учун ажратади. Отлар фақат эркак бўлса, улардан закот берилмайди. Чунки улар кўпаймайди [1:99]. Шунингдек, ҳачир ва эшаклардан ҳеч нарса вожиб эмаслиги таъкидланган.

Абу Ҳанифа сўзларига кўра, бўталоклар, бузоқлар ва кўзичокларда закот берилмайди. Бироқ улар билан катталари ҳам бўлса, закот вожиб бўлиши келтирилган [1:99].

Ишларда фойдаланиладиган, юк ташийдиган ва йилнинг аксар қисмида уйда ем-хашак бериб боқиладиган ҳайвонлардан закот берилмайди.

Марғиновий мол-мулклардан олинадиган закот миқдорларини ҳам алоҳида бобларда баён этади. Унда кумушдан олинадиган закот миқдори икки юз дирҳам кумушдан беш дирҳам миқдорида этиб белгиланган. Демак, ўртача 595 грамм кумушдан 14.875 грамм кумуш миқдорида закот олинади [1:103].

Агар кумуш миқдори икки юздан ошса, ҳар қирқ дирҳамдан бир дирҳам миқдорида закот ажратилади.

Тилладан олиндиغان закот миқдори 20 мисқол¹дан ярим мисқол тилла этиб белгилаган.

¹ Бир мисқол 4 ёки 4.25 граммга тенг ўлчоқ бирлиги.

Демак, 80 ёки 85 грамм тилладан 2 ёки 2.125 грамм тилла миқдорида закот олинади. Ундан ошса, ҳар тўрт мисқол тилладан икки қийрот² миқдорида закот олинади. Яъни 17 грамм тилладан 0.425 грамм тилла миқдорида закот белгиланади.

Агарки улар тижорат мақсадида сақланаётган бўлса, илла ва кумуш тақинчоқлар, зебу-зийнат буюмлари ва идишлардан закот берилади.

Тижорат молларидан ҳам тилла ёки кумуш нархида нисобга етса, закот ажратиш белгиланади. Яъни ҳар икки юз дирҳамдан беш дирҳам миқдорида закот олинади.

Шунингдек, ислом ҳуқуқи манбаларида ҳосилдан олинган даромадлардан ушр олиниши белгиланган. Бунда Марғиновий мусулмонлардан молининг қирқдан бир миқдорида, зиммийлардан молининг йигирмадан бири миқдорида ва аҳли ҳарбдан молининг ўндан бир миқдорида ушр олинишини келтириб ўтган [1:105].

Марғиновий айтади: “Хирож олинаган ёки ушр олинадиган ердан тилла, кумуш, темир, қўрғошин, мис каби маъданлар кони топилса, уларнинг бешдан бир қисми олинади” [1:107]. Абу Ҳанифа сўзларига кўра, агар киши ўз ҳовлисидан маъдан топиб олса, ундан бирон нарса бериши вожиб бўлмайди. Агар бир киши бойлик топиб олса, ундан хумс (бешдан бирини) бериши вожиб бўлади. Яна тоғдан топилган қимматли тошлар, денгиздан топилган дур ва анбардан ҳам бешдан бир улуш берилади.

Экин ва мевалардан закот бериш ҳақида Марғиновий Абу Ҳанифанинг сўзларини келтиради: “Ердан чиққан нарсалардан ҳоҳ у оз бўлсин, ҳоҳ у кўп бўлсин ушр олинади. Бу нарсалар ҳоҳ оқар сув билан суғориладиган бўлсин, ҳоҳ осмон сувидан ичган бўлсин фарқи йўқ. Фақатгина дарахт, камиш ва ўтлардан ушр олинмайди” [1:109]. Ердан олинадиган ушр миқдорини белгилашда бир йил ўтиши шарт қилинмайди. Уларнинг миқдори беш васак³ миқдорга етса, ушр олинади.

Яна ушр олинадиган ерда боқилган асаларининг асалидан ҳам ушр олинади. Имом Қудурий айтади: “Ушр бериладиган ердан чиққан нефт ва қора мой чашмалари учун ҳеч

нарсa берилмайди” [1:111]. Чунки бу нарсалар ер маҳсулотидир эмас, балки ердан отилиб чиққан сув каби нарсалар ҳисобланиди.

Молиявий мажбуриятлардан бири фитр садақаси бўлиб, Марғиновий “ал-Ҳидоя” асарида бу ҳақида: “Мусулмон, ҳур кишининг моли, агар ўзининг турар жойи, кийими, уй анжومي, от-улови, қурол аслаҳаси ва қулларидан ортиқча, нисоб миқдорида етадиган мулкка эга бўлса, фитр садақасини бериши вожиб бўлади”, - деб келтиради [1:115]. Фитр садақасининг миқдори, вақти ва кимлар бериши ҳамда ижтимоий аҳамияти ҳақида иккинчи бобда батафсил келтириб ўтилган.

Рамазон ойи рўзаси фарз қилинган бўлиб, ҳар бир балоғатга етган мусулмон адо қилиши лозим бўлган жисмоний ибодат ҳисобланади. Аммо рўза тута олмайдиган кекса киши (шайх фоний) ёки тузалмас касал бўлиб, рўза тутса касали зиёда бўладиган кишилар рўза тутмай, унинг каффорати (жаримаси) учун рўза тутмаган ҳар бир кунига бир мискинни овқанлантиради. Яъни ярим соъ бугдой ёки бир соъ хурмо ёки арпа миқдорида маклабни фидя сифатида беради [1:123]. Шу билан Рамазон рўзасини адо қилган савобга эга бўлади. жисмоний ибодатни базариш имконияти бўлмагани боис бу амал молиявий ибодат, яъни фидя – бир мискинни овқатлантиришга алмаштирилади. Бу ҳам молиявий мажбуриятларнинг кўринишларидан бири саналади.

Ислом шариатида ибодатлар уч тур: жисмоний, молиявий ва ҳам жисмоний, ҳам молиявий ибодатларга бўлинади. Юқорида молиявий ибодатлар ва улардаги мажбуриятлар ҳақида тўхталиб ўтилди. Марғиновий ўз асарида ҳам молиявий, ҳам жисмоний ибодатлардан бири – Ҳаж ибодати ҳақида алоҳида бўлим ажратган.

Ҳаж ибодати озод, балоғатга етган, ақлли ва соғлом кишиларга умри давомида бир марта фарз ҳисобланади. Агар улар ҳаждан қайтиб келгунича турар жой, зарур анжомлар ва аҳли аёлининг нафақасидан ортиқча озиқ-овқат ва уловга эга бўлса ҳамда ҳажга борадиган йўл хавфсиз бўлса фарз бўлади.

Демак, ҳаж амалларини бажариш билан бир қаторда зиёратчиларга бориб-келиш учун молиявий таъминланганлик шарти белгиланган.

² Бир қийрот 0.2125 граммга тенг ўлчов бирлиги.

³ Бир васак 195 кг га тенг ўлчов миқдори.

ХУЛОСА

Инсонлар шахсий ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиш асосида бошқа шахсларга нисбатан дахлсизлик мажбуриятларни ҳам зиммасига олади. Ислом ҳуқуқи нормаларида ибодат билан бир қаторда муомалот масалаларида ҳам мажбуриятлар белгиланган. Бурҳониддин Марғиновичнинг “ал-Ҳидоя” асарида инсонларнинг ҳуқуқлари билан бирга мажбуриятларига доир нормалар ҳам ўз аксини топган.

Ислом ҳуқуқ манбаларидаги ижтимоий аҳамиятга эга мажбуриятлардан энг каттаси бу – молиявий мажбуриятлар ҳисобланиб, бундай мажбуриятлар молиявий ибодатлар номи билан ҳаж ва закот мавзуларига киритилган. “Ал-Ҳидоя” асарида молиявий ибодатлар ҳаж, закот, ушр, хирож, садақа, каффоратлар каби турларга бўлинган. Бурҳониддин Марғинович мазкур молиявий мажбуриятлар ва уларнинг миқдорини белгилаш ҳамда маълум қисмини жамиятнинг ижтимоий ҳимояга муҳтож шахсларига мулк қилиб беришни белгилаш орқали инсонлар орасида ижтимоий адолат ва тенглик ҳолатини тарғиб этишни мақсад қилган.

АДАБИЁТЛАР

1. Бурҳониддин Марғинович. Ал-Ҳидоя шарҳи бидоя ал-мубтадий. – Макка: Мустафо Аҳмад ал-Боз, 1994. – Ж. 1-2.
2. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси. / Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг Резолюция 217 А (III) билан 1948 йил 10 декабрда қабул қилинган. // <https://constitution.uz/uz/pages/humanrights>
3. Жўзжоний А.Ш. Ислом ҳуқуқшунослиги, ҳанафий мазҳаби ва Марказий Осиё фақиҳлари. – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2002. – 256 б.
4. Бурҳониддин Марғинович. Ҳидоя. Т. 1 / Масъул муҳаррирлар А.Х. Саидов, М. Нуриддинов. – Тошкент: Адолат, 2000. – 848 б.
5. Ражабова М. Шариатда жиноят ва жазо. – Тошкент: Адолат, 1996. – 133 б.
6. Раҳманов А., Раҳманов А. Ислом ҳуқуқи. – Тошкент: “ТДЮИ” нашриёти, 2007. – 494 б.
7. Саидов А.Х. Основы мусульманского права. – Тошкент: Академия МВД, 1994. – 213 с.
8. Тошқулов Ж., Юсупова Н, О.Сарсенбоев, И.Бекмирзаев, С.Масаидов. Ислом ҳуқуқшунослиги. – Тошкент: Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2014. – 408 б.
9. Тошқулов Ж., Юсупова Н. Исломда оила ҳуқуқи. – Тошкент: Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2015. – 320 б.
10. Ифтихоруддин Тохир ибн Абдулрашид ал-Бухорий. “Хулосат ал-фатово”. – Туркия: Истамбул муфтийлиги кутубхонаси. Фикҳ бўлими. // Қўлёзма. - №140. 1077 ҳ.
11. Ишанова Ш.А. Нормы шариата и их применение казийскими судами в Средней Азии до 1924 года: Автореф. дисс... канд. юрид. наук. – Ташкент: 1992. – 20 с.